



Абдурахим НАСИРОВ
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги бошқарма бошлиғи,
мустақил изланувчи
ЎзДЖТУ
nasirov_abdu@mail.ru

ПРОВЕРБИАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ТИЛЛАР ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Мақолада фразеологик фонднинг бир қисми бўлган проverbsиал фразеологизмларнинг француз, ўзбек ва рус тилларидаги хусусиятлари ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида оиладош бўлмаган тиллар ўртасида мазкур мавзу қиёсий планда тадқиқ қилинмаган. Мақолада 3та тилда мавзу доирасида терминларга қиёсий шарҳлар берилди ва муқобиллари топилиб, умумий термин проverbsиал фразеологизм номи остида ишлатилди.

Автор статьи рассматривает особенности французских, узбекских и русских проverbsиальных фразеологизмов, являющихся частью фразеологического фонда. Настоящая тема не была достаточно изучена в узбекском языкознании в сопоставлении с неродственными языками. В статье анализируются проverbsиальные фразеологизмы в трёх языках.

The author of the article describes the features of the proverbial phraseologies of the French, Uzbek and Russian languages. The subject has not been studied in detail by the Uzbek linguists yet, it hasn't been compared with the languages that belong to different families. The article will make constructive comments for the terms in three languages comparing and finding their equivalents which will be referred as proverbial phraseology.

Калит сўзлар: фразеологизм, проverbsиал фразеологизм, семантик хусусият, мақол, матал, қайроқи сўзлар, нақл, масал, зарбулмасал, оталар сўзи, ҳикматли сўз, афоризм, ҳикоят, ҳикмат, бурунгилар сўзи, машойихлар сўзи.

Ключевые слова: фразеологизм, проverbsиальный фразеологизм, семантические особенности, пословица, поговорка, притча, крылатые слова, выражение, афоризмы.

Key words: phraseology, proverbial phraseology, semantic feature, proverbe, dicton, apophtegme, aphorisme, adage, précepte, sentence, maxime, locution, expression.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, чет тилларини ўрганишга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш,

шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш муҳим вазифа саналади[1].

Табиийки, хорижий тиллар бўйича тадқиқот олиб бораётган ҳар бир изланувчи ушбу вазифалар ижросини таъминлашда ўз ҳиссасини кўшиши талаб этилади. Бинобарин, ўзга мамлакатларда яшовчи халқлар миллий тилларининг асрлар мобайнида шаклланган бой лексик олами ва унда мустақкам ўрин эгаллаган фразеологик бирликларнинг семантик-стилистик ҳамда этномаданий хусусиятларини ўзбек тили билан қиёслаб тадқиқ қилиш орқали ёш авлод онгига сингдириш ўзининг юқори самарасини бериши шубҳасиз, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, фразеологик иборалар нутқ объектига нисбатан субъектнинг ижобий, салбий ёки холис муносабатини таъминловчи муҳим омиллардан бири саналади. Зотан, нутқ жараёнида фразеологик бирликларни қўллаш фикрнинг аниқ, ранг-баранг, табиий, “жонли” ва ҳис-ҳаяжонли бўлишни таъминлайди. Улардан фойдаланиш сўзлашувчилар учун одатий бир ҳол бўлиб кўринса-да, аслида бу бирликларнинг лингвистик табиати жуда мураккаб ҳодисаки, уни юзаки ўрганиб бўлмайди.

Дунё тиллари фразеологик фондининг мураккаб ҳодиса эканлигини тасдиқловчи жиҳатлардан бири провербиал фразеологизмларнинг (кейинги ўринларда ПФ) мавжудлигидир. **Провербиал фразеологизмлар** нутқ жараёнида тайёр ҳолда намоён бўладиган, тўлиқ ёки қисман кўчма маънода ишлатиладиган, семантик яхлит, контекст таркибида мустақил маъно англата оладиган, киноя-қочиримли ёки насиҳатомуз фикрни ифодаловчи мақол, матал ва юмуқ иборалардан иборат турғун бирликлар ҳисобланади.

Ўрни келганида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мақол ва маталлар халқ оғзаки бадиий ижодиётининг мустақил жанрлари-ку, улар қандай қилиб фразеологизмларнинг бир турига айланиши мумкин, деган мантиқий савол туғилиши табиийдир. Ўрганилаётган масаланинг моҳиятига назар қилинса, гап фольклорга хос жанрлар таснифи ҳақида эмас, адабиётнинг хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма шаклида бўлсин, халқ даҳосининг турғунлик, мажозийлик, ифодалилик каби хусусиятларини ўзида жам этган дескриптив шаклли пурмаъно фикрлари лисоний тадқиқот материали сифатида олиниши ҳақида кетаётганлиги аён бўлади.

Поэтиканинг отаси Аристотель фразеологик бирликларни сўз маъносининг кўчими сифатида таърифлайди. У, жумладан, қуйидагича ёзади: “Кўчма сўз нарсага хос бўлмаган, жинсдан турга ёки турдан жинсга, ёхуд

турдан турга маъноси кўчирилган сўзлар, нарсалардаги ўхшашлик асосида амалга оширилади”[2, 149]. Демак, турғун бирикмани ўхшашлик асосидаги кўчим деб ҳисоблаш Аристотель замонидан бизгача етиб келган. Сукрот ўз даврида “proverbe” терминида “қисқа, лўнда ва эсдан чиқмайдиган сўзлар бирикмаси”, – деб таъриф берган[3,10]. Немис олими В. Вундт фразеологизмларни инсон тафаккурининг онгли фаолияти маҳсули деб изоҳлайди. Шу билан бирга В. Вундт турғун иборани қадимги мифологик тафаккурнинг мифдаги мазмунни яшириб ифодалаш эҳтиёжи туфайли юзага келган шакли, деб ҳисоблайди[4, 348].

Ҳозирги замон француз тили фразеологиясининг йирик намоёндаси Ален Рей: “Фразеологик бирликларда асосий урғу семантик хусусиятларга қаратилади, айниқса “семантик кўчиш” ва “семантик динамизм” ғояларига асосланади. Фразеология алоҳида хоссаларга эга бўлган иборалар тизими бўлиб, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда фаоллашади”, деб ёзади[5, 5].

Демак, ПФлар халқ ижодий тафаккурининг ўзига хос маҳсули бўлиб, уларда инсоннинг табиат ва ижтимоий борлиққа бўлган ғоявий-эстетик муносабатлари мухтасар ҳамда мукамал тарзда ўз ифодасини топади, нутққа кўркамлик, таъсирчан жозиба ва образлилик бағишлаб, сўзловчи ва тингловчининг кучи ва вақтини тежаш учун хизмат қилади.

Модомики, провербиал фразеологизмлар лисоний қамровига кўра мақол, матал, юмуқ юбораларни ўз ичига олар экан, жаҳон халқлари лингвистикаси ва фольклоршунослигида мазкур паремик жанрларнинг ўзаро фарқлари ва диффузион жиҳатлари тўғрисидаги баҳслар ҳам охирига етгани йўқ. А.Г.Назарян мақол ва маталларни фразеологизм таркибига киритиб, уларни “пословичные фразеологизмы» деб номлайди ва мавзу йўналишларига кўра таснифлайди[6,33].

Провербиал фразеологизмлар масаласи ўзбек тилшунослигида ҳали атрофлича ўрганилмаган, назарий қирралари ўзбек тилининг лексик фонди материалдан келиб чиқиб белгиланмаган, айниқса, оиладош бўлмаган хорижий тиллар билан, айтайлик, француз ва рус тиллари билан қиёсланган ҳолда тадқиқот объекти бўлмаган жабҳадир.

Француз провербиал фразеологизмларини ўзбек ва рус тилларидаги провербиал фразеологизмлар билан қиёслаш методларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг муқобилларини тўғри танлай билиш ана шундай муаммолардан бири саналади.

Тадқиқотда Европа тилшунослигида билдирилган назарий қарашларни умумлаштириш ва ўзбек тили лексикаси материалларига муқобил келадиган миллий ПФБ ҳақидаги концептуал хулосага келиш;

Француз, рус ва ўзбек лексикологиясидаги ПФБларнинг қўлланилиш миқёси, уларнинг нутқ жараёнида адо этган вазифаларини аниқлаш;

Мақоллар, маталлар ва ПФБлар ўртасидаги алоқадорлик ва алоҳидаликни белгилаш каби илмий фаразлар кўзда тутилган.

Ушбу илмий фаразлардан келиб чиққан ҳолда, француз, ўзбек ва рус тилларидаги мавзу доирасидаги атамаларни шарҳлаш, бир-бирига мос, муқобилларини топиш ва истеъмолчиларга ҳавола этиш устида қисқача тўхталмоқчимиз.

ПФБлар француз тилшунослигида *proverbe, dicton, apophtegme, aphorisme, adage, précepte, sentence, maxime, citation, locution, expression, locution proverbiale*; ўзбек тилшунослигида мақол, матал, қайроқи сўзлар, нақл, масал, зарбулмасал, оталар сўзи, ҳикматли сўз, афоризм, ҳикоят, ҳикмат, бурунгилар сўзи, машойихлар сўзи; рус тилшунослигида пословица, поговорка, притча, крылатые слова, выражение, афоризмы кабилар ана шундай терминлардир.

Ушбу терминларнинг ҳар бири француз, ўзбек ёки рус тилида ўйлаш, фикрлаш категориялари ва ушбу халқларнинг миллий-маданий хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади. Бу терминлар ҳозиргача ҳам аралаш ишлатилиб, бирининг ўрнига иккинчиси қўлланиб келинмоқда. Ушбу ҳолатларга бирмунча бўлса-да, аниқлик киритиш мақсадида мавжуд илмий ва амалий шарҳларга асосланган ҳолда уларга қисқача изоҳлар бериб ўтмоқчимиз.

1. Француз тилшунослигидаги “*proverbe*” атамаси лотин тилидан (*proverbium*) олинган бўлиб[7], донишмандларнинг ҳаётий тажриба ва ибратомуз хулосаларидан келиб чиққан ва умумхалқ истеъмолига кириб кетган лўнда фикрларини ифодалайди. Ўзбек тилидаги “**мақол**” термини арабча «қавлун» (айтмоқ) сўзидан олинган бўлиб, у халқ донолигининг намунаси бўлмиш афористик жанрлардан бирининг атамасига айланган ва маъқул айтилган сўз, гап ёки ибора маъноларини англатади[8]. Рус тилида пословицалар афоризмлардан ва қанотли сўзлардан анонимлик хусусияти билан, яъни муаллифи йўқлиги билан ва шахсий донишмандлик эмас, балки жамоавий, халқ эстетик қонуниятларига мос келиши билан фарқланади.

2. Француз тилида “**Dicton**” – лотин тилидан (*dictum* – сўз, айтилган нарса) олинган бўлиб аввалида маълум қоидаларга асосланган бўлса-да, ҳозирда вазиятга қараб ишлатиладиган бирикмалар ҳисобланади. Ларус луғатида берилишича, *Dicton*[7, 340] – кенг тарқалган ёки мақолга айланган насихатомуз нутқдир.

«**Матал**» сўзи туркий халқлар орасида топишмоқ, ҳикматли сўз, эртак, масал, умуман ҳикоя қилиш, нақл қилиш, ҳикмат айтиш маъноларида

қўлланади. У ўзбек фольклоршунослигида термин сифатида паремияларнинг бир турини ифодалаши жиҳатидан дифференциялашиб бормоқда. Луғатда изохланишича, матал сўзининг маъноси «туғал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз»дан иборат. «Ўзбек халқ мақоллари» тўпламини тузувчиларнинг фикрича, «матал» термини араб тилидаги масал сўзидан айрим фонетик ўзгаришлар орқали ўтиб ўзлашган ва тугал ҳукм ифодаламайдиган образли ибораларга нисбатангина қўлланила бошлаган [8, 17–18]. Матал мақолдан фарқли равишда умумлаштирувчи тарбиявий маънони англатмайди ва тугалланган гап ҳисобланмайди. В. Даль таърифига кўра матал (поговорка) кўчма маъно ифодаловчи ибора; у мақолнинг ярмидир.

3. Француз тилида **Апофтегма** – апофтегма термини, грек тилидан олинган бўлиб, француз тилидаги **Апофтегма** (aphorisme) – апофтегма термини грек тилидан олинган бўлиб, “машҳур одамларнинг доно сўзлари” деган маънони билдиради. Ларус луғатида берилишича, Апофтегма – ёдда қоладиган нутқ, лўнда фикрдир. Масалан: Олмон императори Карл V томонидан айтилган «*Il faut être maître de soi, pour être maître du monde*» яъни: “Дунёни бошқара олишинг учун олдин ўзингни бошқара олишинг керак” дейди. Ўзбек тилида “**ҳикматли сўзлар**” (юн.aphorismos - ҳикматли сўз) ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап, ҳикматли сўзлардир.

4. Француз тилидаги “**Adage**” сўзи лотин тилидан (Adajium) олинган бўлиб, маъносининг замирида ахлоқий, насихатомуз фикрлар мавжуд бўлган иборани англатади Adage – қадимий ва машҳур максимдир. Масалан, француз тилидаги “*Noblesse oblige*”-*Шоҳлик мажбур этади* ибораси ёки қадимий лотин тилидаги “*Uti, non abuti*” – фр: «*User, ne pas abuser*» “Фойдалан, лекин суистеъмол қилма” иборалари шулар жумласидандир.. Рус тилидаги “**Притча**” термини қисқа аллегорик шаклдаги, ўзида ахлоқий тарбияга йўналтирилган насихатларни сингдирган ҳикматларни англатади ва ўзбек фольклоридаги **ривоят** жанрига мос келади. Притчалар (тамсиллар) диний ёки ахлоқий йўналишда бўлиб, масаллардан истеъмол доирасининг кенглиги билан фарқланади. Европа адабиётида “Притча” жанрининг асосий манбаси христиан эътиқодининг “Янги Аҳд” (“Новый Завет”) китоби ҳисобланади.

5. Француз тилидаги **Précepte** термини лотин тилидаги “praeseptum” “ўқимок” сўзи асосида пайдо бўлган. Бу сўз мазмунан таълим, ўқитиш, ўрганиш, бошқариш қондаси ҳисобланади. Ўзбек тилида **ўғит, нақл** терминларини француз тилидаги Précepte терминига муқобил ҳисобладик. Ўзбек тилининг изохли луғатида “ўғит” йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган гап, насихат деб ифодаланган. “Нақл” араб тилидан, олинган бўлиб, узатиш, ўтказиш маъноларини англатади. Халқ томонидан тўқилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя, ривоят шаклида берилган рус тилида **изречение (мудрое)** қисқа ифодаланган даҳо фикрдир.

Владимир Даль ушбу термин хусусида куйидагича тушунтириш беради: “*Изречанье, изречение...* краткая речь, апофегма, девизъ, поучения, правило, замечательная мысль въ немногихъ словахъ *Изрокъ* – судъ, осуждение, приговоръ”[9, 211].

6. Француз тилидаги “**Sentence**” (лотин тилидаги *sententia*) термини қисқа, лўнда гапни англатиб, инсонларнинг шахсий кузатиши натижасида юзага келадиган гап ёки иборалар ҳисобланади. Масалан, французча: “*Autant d’homme, autant d’avis*” – “Ҳар каллада ҳар хаёл” сентенцияси Жан Жак Руссога тааллуқлидир. Ўрта асрларда рус тилида яратилган алфавит тартибидаги машҳур сентенциялар тўплами бўлган. Ўзбек тилида “**машойихлар сўзи**” термини сентенцияга муқобил сифатида танланди. Донишманд ота-боболаримиз томонидан айтилган турли мавзулардаги ҳикматли, насихатли, ибратли сўзлар машойихлар сўзи ҳисобланади.

7. Француз тилидаги **Maxime** термини лотин тилидаги “*maxima*” дан олинган бўлиб, мақол ва сентенцияга нисбатан маъно жиҳатидан нозик, содда ва олижаноблик билан ифодаланган гапни ифодалайди. Рус тилида “**максима**” ҳам лотин тилидан (*maxima*) ўзлашган бўлиб, асосий қоида, принцип маъносини англатади ва қисқа формула, қоида, принципни ифода этади. Рус тилида “Пословица научного характера” термини орқали ҳам ишлатилади. Ўзбек тилида “**Maxime**” га муқобил термин сифатида “**масал**” термини танланди, чунки ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Масал, намуна, андоза, ўхшашлик, рамзли ҳикоя” деб берилган. Масал кишиларга ўғит бўладиган, хулосали, кичик, мажозий ҳикоядир[10, 549].

8. **Locution, expression**лар – фразеологик бирликларга нисбатан ишлатиладиган терминлар бўлиб, биринчиси уларни грамматик томондан, яъни шаклидан келиб чиқиб номласа, иккинчиси маъно, стилига боғлиқ ҳолатда номлайди. **Locution**– лотин тилидан “*locutio*” дан олинган бўлиб, гапирмоқ маъносини беради. У нутқни шакллантириш ва товуш воситасида ифодалаш усулидир. Шунинг учун “*locution adverbiale*” “*locution verbale*” яъни равишли ибора, феълли ибора шаклида юзага келиб, нутқнинг грамматик жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. **Expression** эса бирор нарсани ифодалаш усулидир, у ўзида риторика ва стилистикани мужассамлаштиради, кўпинча кўчма маъно, образ, метафора, метонимия воситаларини намоён этади. *Locution* ёки *expression*нинг ўзбек тилидаги муқобили сифатида “**ибора**” термини танланди. Чунки у асосан кўчма маънода ишлатилади ҳамда халқнинг кундалик мулоқот нутқида мақолга қараганда кўпроқ ишлатилади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, фразеологизмлар таркибига мақоллар билан бирга куйидаги барча терминларнинг кўчма маънода ишлатиладиганлари ҳам киради ва улар **провербиал фразеологизмлар** деб аталиб, нутқнинг экспрессивлигини оширишга хизмат қилади.

№	Француз тилида	Ўзбек тилида	Рус тилида
1	Proverbe	Мақол	Пословица
2	Dicton	Матал	Поговорка
3	Аропhtègme	Ҳикматли сўзлар, афоризмлар	Афоризмы
4	Adage	Ривоят	Притча
5	Précepte	Ўғит, нақл, васият	изречение (мудрое)
6	Sentence	Машойихлар сўзи	мудрые слова, изречение
7	Maxime	Масал	максим, пословица научного характера
8	Expression	Ибора	Выражение
Барчасининг кўчма маъно англатувчи шакллари ПРОВЕРБИАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРДИР			

Хулоса қилиб айтганда, тил ҳодисаларининг барчасини ўзида мужассамлаштирган провербиал фразеологизмлар бошқа турдаги бирликлар билан бир қаторда тил фразеологик фондининг махсус қатламида алоҳида гуруҳ деб ҳисобланиши керак.

Компонентлари ягона ишга тузилган, семантик яхлит, структураси турлича бўлган, мустақил шаклланган, инсон хотирасида тайёр ҳолда намоён бўладиган, тўлиқ ва қисман кўчма маънода ишлатиладиган, экспрессив-эмоционал ифодалиликка эга бўлган турғун сўзлар бирикмалари, қанотли сўзлар, иборалар, мақоллар, маталлар, афоризмлар ПФлар ҳисобланади.

ПФлар аниқ, тугал фикр англатади ва бу фикр қатъий, лўнда хулоса сифатида ифодаланади. Уларда ортиқча сўз, тасвирийлик учрамайди, чунки улардаги ихчам фикрнинг ўзи эстетик жиҳатдан катта моҳият касб этади. ПФлар воқеликни ё ижобий, ё салбий нуқтаи назардан баҳолайди ва кўчма маъно орқали ифодалайди.

ПФларга тааллуқли бўлган умумий хусусиятлардан бири жуда секинлик билан яратилиши, турғунлиги ҳисобланади. ПФларда ифодаланган фикр

умуминсоний ва ибратомуз характер касб этади. Уларнинг конкрет яратувчисини аниқлаб бўлмайди, анонимлик характерига эга ва халқ орасида оғзаки яшаши ҳамда кенг тарқалиши билан ҳам характерланади.

Провербиал фразеологизмларнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, улар кишига ғоявий йўналиш беради, ундаги ижобий идеалларнинг шаклланишига, ривожланишига йўл очади ва шахсни ўз идеаллари учун фаол ҳаракат қилишга, керак бўлса курашишга ундайди.

ПФларни турли тилларда қиёслаб ўрганиш, уларнинг семантик моҳиятини тушуниш учун, инсон ўзини ушбу тиллар соҳибидек ҳис этиши керак. Бир неча тилни биладиган мутахассис тиллар билан яшаб, ўзига яраша камчилигини кўриб, ҳис қила олади. Ваҳоланки, бир тилда мулоқот қилувчи, бу тилнинг қандай буюк бўлишидан қатъий назар, иккинчи тилдаги ўзига хосликларни кўра олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори“
2. Аристотель. Поэтика.(Поэзия санъати ҳақида). – Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б149 (М.Маҳмудов ва У.Тўйчиевлар таржимаси).
3. Montreynaud F., Pierron A, Suzzoni F. Dictionnaire des proverbes et dictons. Le Robert. – Paris, 1989. Préface par Alain Ray. – 759 p.
4. Вундт.В.Миф и религия.ПереводД.Н.Овснико-Куликовского. – СПб 1913. – 348 с.
5. Rey A.Chantreau S. Le Robert. Dictionnaire des expressions et locutions.Le Robert, Paris-1997, Preface. –1085 p.
6. Назарян А.Г.Фразеология современного французского языка. – М., 1987. – С.33-237с.
7. Le petit Larousse illustré. – Paris. 2005. – 1856 p.
8. Мирзаев.Т, Саримсоқов. Б. Ўзбек халқ мақоллари. Икки жилдлик. – Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти”. 1-жилд. 1987. 2-жилд. 1988.
9. Даль В.И. Напутное // Пословицы, поговорки и прибаутки русского народа. – Спб.: Изд-во «Литера», 1997. – Т.1. – 383 с.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.І. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 680 б. (ЎТИЛ)
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж.V. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 592 б.